



KRIMINOLOGIYA VA JINOIY ODIL SUDLOV

2021/1-2



ILMIY-AMALIY JURNAL

TAHRIR HAY'ATI

Q. ABDURASULOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasida professori, yuridik fanlar doktori – bosh muharrir

Y. KOLENKO

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi boshlig'i – bosh muharrir

N. SALAYEV

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori, yuridik fanlar doktori, professor – bosh muharrir o'rinbosari

K. HAKIMOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori – mas'ul muharrir

M. RUSTAMBAYEV

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiya harbiy-texnik instituti boshlig'i, yuridik fanlar doktori, professor

A. OTAJONOV

Yuristlar malakasini oshirish markazi direktorining o'quv-uslubiy va ilmiy ishlar bo'yicha birinchi o'rinbosari, yuridik fanlar doktori, professor

B. PULATOV

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi "Qonunchilik ijrosi ustidan nazoratni tashkil etish" kafedrasida professori, yuridik fanlar doktori

F. RAXIMOV

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi "Prokurorlik faoliyatini tashkil etish va boshqarish" kafedrasida professori, yuridik fanlar doktori

B. UMIRZAKOV

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi "Kriminologiya" kafedrasida katta o'qituvchisi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

M. O'RAZALIYEV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasida professori, yuridik fanlar doktori

I. ERGASHEV

Toshkent davlat yuridik universiteti Ilmiy boshqarma boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori, dotsent

M. KURBANOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish" kafedrasida dotsent v.b., yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

V. DAVLYATOV

Toshkent davlat yuridik universiteti "Sud, huquqni muhofaza qiluvchi organlar va advokatura" kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori

D. BAZAROVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrasida mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor

A. Baratov

Toshkent davlat yuridik universiteti "Kriminalistika va huquqiy ekspertiza" kafedrasida mudiri, yuridik fanlar nomzodi

G. TULAGANOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrasida professori, yuridik fanlar doktori

D. SUYUNOVA

Toshkent davlat yuridik universiteti "Jinoyat-protsessual huquqi" kafedrasida professor v.b., yuridik fanlar doktori

"Kriminologiya va jinoiy odil sudlov" ilmiy-amaliy jurnali O'zbekiston matbuot va axborot agentligida 2021-yil 18-martda 1160-sonli guvohnoma bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi bilan hamkorlikda tashkil etilgan.

Mualliflik huquqlari Toshkent davlat yuridik universitetiga tegishli. Barcha huquqlar himoyalangan. Jurnal materiallaridan foydalanish, tarqatish va ko'paytirish muassis ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Sotuvda kelishilgan narxda.

ISSN 2181-2179

© Toshkent davlat yuridik universiteti



MUNDARIJA

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI. KRIMINOLOGIYA. JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

Хакимов Рахимжон Расулжонович ИЛМИЙ ЁНДАШУВ – ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	5
Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	13
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна КРИМИНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ	24
Камалова Дилдора Гайратовна ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ПРИНЦИПИ	30
Ниёзова Саломат Сапаровна ОИЛАДАГИ ЖИНОЙИЙ ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ	39
Абзалова Хуршида Мирзиятовна РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОЙ СТРАТЕГИИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ УБИЙСТВА НА ОСНОВЕ АНАЛИЗА ЛИЧНОСТИ УБИЙЦЫ	46
Ахмедова Гузалхон Уткуровна ВОПРОСЫ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ ЖЕНЩИН, ОСВОБОДИВШИХСЯ ИЗ МЕСТ ЛИШЕНИЯ СВОБОДЫ	63
Исмоилов Олимжон Юсупжон ўғли ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ: ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	72
Махмудов Суннатжон Азим ўғли ЖАЗО ТАЙИНЛАШДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА	79
Акбаралиева Мухайё Караматулло кизи СПОСОБЫ НАЗНАЧЕНИЯ БОЛЕЕ МЯГКОГО НАКАЗАНИЯ	90

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI. KRIMINALISTIKA, TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA SUD EKSPERTIZASI

Базарова Дилдора Бахадировна К ВОПРОСУ ЭФФЕКТИВНОСТИ УГОЛОВНОГО ПРАВОСУДИЯ	95
Рузметов Ботиржон Хайитбаевич ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЙ – КЛЮЧЕВАЯ ЗАДАЧА УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ	107
Каримов Бобуржон Зокиржонович ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	117
Хамидов Бахтиёржон Хамидович ЭЛЕКТРОН ЁХУД РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРГА ОИД УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ	127
Ниязов Максуд Кадамович ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБОСНОВАННОСТИ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ МЕРЫ ПРЕСЕЧЕНИЯ В ВИДЕ ЗАКЛЮЧЕНИЯ ПОД СТРАЖУ	146

12.00.14 – HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI. JAMDAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH. PROBATSIIYA FAOLIYATI

Тулаганова Гулчехра Захитовна, Қодиралиев Саддам Бахтиёржон ўғли ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА УШБУ ФАОЛИЯТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ	154
Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ	164
Рахмонова Дилдора Мирзакаримовна ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ТЕХНИКАСИ (ЮНУСОБОД ТУМАНИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)	171
Хамрақулов Шавкатжон Салимович ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	179
Эшмуродов Элбек ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	189

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Каримов Бобуржон Зокиржонович,
Тошкент давлат юридик университети
“Криминалистика ва суд экспертизаси”
кафедраси ўқитувчиси,
bobur_karimov_91@bk.ru

Аннотация. Рақамли далиллар бугунги жамиятда одил судловни амалга оширишнинг энг яхши воситаларидан биридир. Фақат бу рақамли далилларнинг турларига ва улардан қандай фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли ушбу мақола рақамли далилларнинг умумий концепцияси, уларнинг манбалари ва жиноятларни тергов қилишда рақамли ахборотларни тўплаш, рақамли далиллар билан ишлашнинг асосий принциплари ҳамда тергов ва суд амалиётида рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ва уларни баҳолашнинг ўзига хос мезонларини ёритишга қаратилган. Ушбу долзарб жиҳатларни ёритишда халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатлар ҳамда энг яхши амалиёт тизимлари томонидан ишлаб чиқилган замонавий процедураларидан фойдаланилиб, уларнинг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, рақамли далиллар билан ишлаш бўйича миллий амалиёт ва қонунчиликдаги муаммолар ҳам тизимли таҳлил қилинган ҳамда амалий ечимлар ишлаб чиқилган. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон Республикасида рақамли далиллар билан боғлиқ амалиёт ҳолатини тасвирлаб бериш ҳамда ушбу масалалар юзасидан келажакда ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонун, процедуралар, йўриқнома, кўрсатмалар учун ривожланган давлатлар ва энг яхши амалиёт тизимларининг тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда рақамли далилларга оид нормаларнинг халқаро стандартлар ва ҳужжатларга мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши юзасидан тавсиялар беришдир.

Калит сўзлар: рақамли далил, тўплаш, баҳолаш, ҳеш қиймати, халқаро стандарт, ISO/IEC, G8 гуруҳи.

ХАРАКТЕРИСТИКИ РАБОТЫ С ЦИФРОВЫМИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВАМИ В УГОЛОВНОМ РАССЛЕДОВАНИИ

Каримов Бобуржон Зокиржонович,
преподаватель кафедры
«Криминалистика и судебная экспертиза»
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. Цифровые доказательства – одно из самых эффективных средств отправления правосудия в современном обществе. Это зависит от типов цифровых доказательств и от того, как их использовать. В статье основное внимание уделяется общей концепции цифровых доказательств, их источникам и сбору

цифровой информации в ходе уголовных расследований, основным принципам работы с цифровыми доказательствами, конкретным критериям обеспечения целостности цифровых доказательств и их оценки при проведении расследований и в судебной практике. Для освещения этих проблем были использованы современные процедуры, созданные международными организациями, развитыми странами, и передовой опыт, а также проанализированы их преимущества и недостатки. Кроме того, системно проанализированы проблемы в национальной практике и законодательстве при работе с цифровыми доказательствами, предлагаются разработанные практические решения. Цель статьи – описать состояние практики цифровых доказательств в Республике Узбекистан и использовать опыт развитых стран и передовую практику для будущих законов, процедур, руководств и инструкций по этим вопросам, а также дать рекомендации по развитию норм цифровых доказательств в соответствии с международными стандартами и законодательством.

Ключевые слова: цифровые доказательства, сбор, оценка, хэш-значение, международный стандарт ISO / IEC, Группа G8.

CHARACTERISTICS OF WORKING WITH DIGITAL EVIDENCE IN CRIMINAL INVESTIGATION

Karimov Boburjon Zokirjonovich,

Tashkent State University of Law

Lecturer of the Department of Criminalistics and Forensic Investigation

Abstract. Digital evidence is one of the most effective means of administering justice in modern society. It simply depends on the types of digital evidence and how to use them. Therefore, this article focuses on the general concept of digital evidence, its sources and collection of digital information in criminal investigations, the basic principles of working with digital evidence, and the specific criteria for ensuring the integrity of digital evidence and evaluating them in investigative and judicial practice. In order to highlight these issues, modern procedures created by international organizations, developed countries and best practices have been used, and their advantages and disadvantages have been analyzed. In addition, problems in national practice and legislation on working with digital evidence have been systematically analyzed and practical solutions have been developed. The purpose of this article is to describe the state of digital evidence practice in the Republic of Uzbekistan and to apply experience of developed countries and best practice for future laws, procedures, guidelines and instruction on these issues, also to make recommendations on the development of digital evidence norms in accordance with international standards and law.

Keywords: digital evidence, collection, evaluation, and hash value, international standard, ISO/IEC, Group G8.

Интернет тармоғи давлатлараро юрисдикция билан боғлиқ чегараларни олиб ташлади. Шу боис соҳада содир этилган жиноятларни аниқлаш ёки фош этиш масалалари анча қийинлашди. Сўнги бир неча йил ичида компьютер технологиялари жадал ривожланиб кетганлиги сабабли, технологик тараққиёт ютуқларидан тўлиқ фойдаланиш, давлатларнинг кибер жиноятлар ва унга алоқадор қонунчилик муаммоларини бартараф этиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб борди.



Миллий қонунчиликда рақамли далилларни тергов амалиётида қўллаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Хусусан, рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар билан ишлаш қоидалари қонунчиликда ўз аксини топмаган. Шунинг учун ҳам рақамли далиллар билан ишлаш процедурасини ташкил этиш анча мураккаб жараёнга айланган. Бундан ташқари, рақамли далилларни тўплаш ва баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги, мустақил далил тури сифатида қабул қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Моддий далилларнинг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ, рақамли далилларни бир тугмачани босиш билан яратиш, йўқ қилиш ёки ўзгартириш мумкин. Ҳатто бу ишни инсон аралашувисиз ҳам амалга оширишнинг имкони бор. Рақамли далиллар бошқа манбалардан қўлга киритиб бўлмайдиган ноёб маълумотлар билан таъминлайди [13, 152-б.]. Ҳужжатнинг рақамли нусхаси билан чоп этилган нусхаси солиштирилганда, қоғозли нусхада биз унинг таркиби ҳамда бошқа кўзга кўринадиган маълумотларни, масалан, қўлда ёзиш билан боғлиқ механик белгиларни кўришимиз мумкин. Далилларнинг рақамли шакллари эса қурилма томонидан яратилган бир хил контент маълумотларини, қўшимча маълумотларни ва метамаълумотларни ўзида мужассам этади. Метамаълумотлар файл муаллифининг номи, исми, файл яратилган вақт, охириги марта сақланган санаси, киритилган ўзгартиришлар ва бошқаларни кўрсатиши мумкин. Рақамли далилларнинг бошқа турлари рақамли маълумот яратилган қурилма, юборилишидан олдинги ва кейинги ҳолатлари ҳақида ахборот беради. Метамаълумотлар ахборотнинг нафақат мазмунини, балки у яратилган вақт ва жараёнлар ҳақида ҳам батафсил маълумот беради [7, 52-б.].

Рақамли далиллар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатларидан бири уларни тўплаш масаласидир. Чунки рақамли далилларни тўплаш ўзига хос процедурани талаб қилади. Бунда қандай ҳодиса рўй берганлигини ҳамда гумон қилинувчи ва воқеа гувоҳларини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилади. Гумон қилинувчи аниқ бўлса ёки гувоҳлар мавжуд бўлса, уларни дарҳол сўроқ қилиш лозим. Бундан ташқари, рақамли қурилмаларни лабораторияга олиб бориш ёки ҳодиса жойида таҳлил қилиш масаласини ҳал қилиш лозим. Шундан кейин потенциал далилларнинг объектлари ва жойлашуви аниқланади. Бунда далилларнинг қаерда жойлашганлиги ва турларига эътибор қаратилади. Масалан, рақамли далилларнинг қаттиқ дискда, оператив хотирада, серверларда, уланиш қурилмаларида ёки булут сақлаш тизимида жойлашганлиги ҳамда рўйхатга олиш қайдлари, браузер маълумотлари, электрон почта қайд ҳисоблари ва бошқа рақамли маълумотлар аниқланади.


Рақамли қурилмалар аниқлаб олингандан сўнг, умумий тартиб бўйича саралаш ва қурилмалар билан боғлиқ махсус қоидалар бажарилишини таъминлаш лозим.

Биринчи қоида, *агар рақамли қурилма ўчирилган бўлса, уни ёқиш мумкин эмас.*

Иккинчи қоида, *агар рақамли қурилма ёқилган бўлса, уни ўчириш мумкин эмас.*

Ушбу қоидаларга амал қилган ҳолда, ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилади. Бунда қандай қурилма эканлиги ҳамда унинг товар белгиси, модели ва серия рақами баён этилади. Рақамли қурилманинг қандай ҳолатда экан (ўчирилган, ёқилган, қулф ҳолатида, уйқу режимида ёки шикастланган)лиги қайд этилади. Барча жараёнлар суратга олиниши лозим. Чунки ҳозирги ахборот жамиятида битта расм мингта сўздан устун туради.

Аниқланган рақамли далилларни ҳодиса содир бўлган жойда қайта ишлашнинг тегишли усуллари ҳам мавжуд [1, 107-б.]. Вазиятга қараб ҳар доим турли усуллар мавжуд бўлади. Ҳолатга кўра қурилма хотирасининг тўлиқ ёки қисман тасвири яратилади. Бунда рақамли далилларнинг хусусиятлари ҳамда маълумотларни узатиш ҳажми инobatга олиниши лозим.



Расм [8].



Асосий компонентлар бу – ишчи профили: браузер маълумотлари, фотосуратлар, электрон почта ёзувлари, тармоқ маълумотлари ва бошқалар. Анъанавий компьютер текширувлар USB-хотиралар, дискетлар ва оптик воситалар (компакт-дисклар ва DVD), қаттиқ дисклар ва ташувчиларни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ташқи муҳитда сақланадиган маълумотларга қўшимча равишда, ҳар бир ишлайдиган компьютерда асосий хотирада ёки тезкор хотира (RAM)да жойлашган маълумотлар омбори мавжуд. Ушбу омбор ҳажми 4–16 ГБгача (ҳозирда энг кўп фойдаланиладиган) бўлиб, кўпинча амалиётда эътиборсиз қолдирилади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, тасодифий кириш хотира (RAM)дан асосий хотирада топилмаган маълумотларни тўплаш мумкин.

Тизим хотирасини таҳлил қилиш ёки ундан маълумотларни олиш анчайин мураккаб жараён. Шунинг учун ушбу жараённи амалга ошириш учун мутахассисда компьютер жараёнлари, ҳодисалари, тизим хотираси (RAM) структураси, турли операцион тизимларнинг ишлаш механизми ва виртуал машинанинг ишлаш механизми ҳақида билим ҳамда кўникмалар бўлиши лозим [9].

Тизимдан қувватни узганда ёки рақамли қурилма ўчирилганда, ундаги ўчувчан маълумотлар (РАМ хотираси) йўқолиб кетади. Мазкур маълумотлар сирасига исмлар ва пароллар, шифрлаш калитлари, тезкор хабар алмашиш сеанслари, очиқ маълумотлар, электрон почта хабарлари, яширин кодлар, рўйхатга олиш маълумотлари ва бошқа муҳим далиллар киради. Ушбу маълумотлар компьютер фаолиятининг мақсади тўғрисида ахборотларни тақдим этишга ёрдам беради. Афсуски, бу маълумотларнинг аксарияти реал вақт режимида мавжуд бўлиб, экспертиза усулида, яъни ўчирилган ҳолатда лабораторияга олиб борилган қурилмаларда сақланиб қолмайди.

Жиноятларнинг турига қараб, тўпланадиган маълумотларнинг тури аниқланади. Мисол учун, қотиллик жиноятини тергов қилишда гумон қилинувчининг почта хабарлари, журнал маълумотлари, файллар ҳамда жойлашув (геолокация) маълумотлари муҳим ҳисобланса, пул ювиш, молиявий фирибгарлик, терроризмни молиялаштириш каби жиноятларда гумон қилинувчига оид рақамли қурилмасининг қаттиқ дискида сақланиб қолган тезкор хабарларга кириш амалий аҳамиятга эга ёки терроризм ҳолати учун қаттиқ дискни эмас, балки тизим хотирасида сақланган почта манзиллари ва телефон рақамларига оид маълумотлар муҳим саналади. Тергов жараёнида айнан қайси объектлар қидириляётганлигини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга. Масалан, олдиндан тузилган режага асосан хотира ҳажми, файллар сони, пароллар ва шифрлар аниқланиб, ҳужжатлаштирилиши лозим.

Рақамли далиллар юзасидан тергов ва суд амалиётида энг катта муаммолардан бири бу рақамли далилларни баҳолаш масаласидир. Рақамли далиллар табиатан мўрт ҳисобланади, чунки уларни осонликча ўзгартириш, бузиш ёки нотўғри фойдаланиш ва текшириш натижасида йўқ қилиш мумкин. Қарор қабул қилувчилар рақамли далилларнинг ишончлилигини таъминлаш учун ISO/IEC 27037 [10] стандартига таяниши мумкин. Бундан ташқари, рақамли далилларни ҳимоя қилиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш билан шуғулланадиган ташкилотлар, шунингдек, тегишли тартиб-қоидаларни ишлаб чиқарувчилар ва баҳоловчи идоралар томонидан фойдаланилиши мумкин.

ISO/IEC 27037 стандарти рақамли далилларни яхлитлиги ва ҳақиқийлигини таъминлаш учун уйғунлаштирилган ва умум қабул қилинган методикаларни тақдим

этади. Шунингдек, талаблар ва процедураларнинг изчиллиги орқали юрисдикциялар ўртасида рақамли далил алмашинувини осонлаштиришга хизмат қилади.

Ушбу халқаро стандарт потенциал рақамли далилларни аниқлаш, тўплаш, олиш ва сақлаш учун масъул бўлган шахсларга ҳам кўрсатмалар беради. Ушбу шахслар рақамли далилларга жавобгар (DEFR), мутахассис (DES)лар, ҳодисаларга жавоб бериш бўйича мутахассислар ва экспертиза лабораториялари бошқарувчиларини ўз ичига олади. Бу халқаро стандарт, рақамли қурилмалар ва рақамли далиллар бўйича терговни самарали, тизимли ва холисона олиб борилишини таъминлашга ёрдам беради.

ISO стандарти ҳар хил шароитларда ишлатиладиган қурилмалар ва/ёки функциялар учун кўрсатмалар беради. Ушбу халқаро стандартни қўллаш миллий қонунлар ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилади. Рақамли далилларнинг яхлитлигини сақлаш учун қонунни қўлловчи халқаро стандартдаги процедураларни миллий қонунчиликка мослаштириши лозим.

Шунингдек, “рақамли тергов” жараёнида эътиборга олиниши керак бўлган бошқа ISO/IEC халқаро стандартлари мавжуд [2, 240-б.].

1-жадвал

(Халқаро стандартлар)

№	Ҳодисагача	Ҳодиса вақтида	Ҳодисадан сўнг
1	ISO/IEC 27035	ISO/IEC 27035	ISO/IEC 17025
2	ISO/IEC 27043	ISO/IEC 27041	ISO/IEC 27037
3	ISO/IEC 30121	ISO/IEC 27043	ISO/IEC 27042

ISO/IEC стандартларини ҳам мукамал деб атай олмаймиз, албатта! Ушбу стандартлар ҳам бир қатор камчиликларга эга. Масалан, ISO/IEC 27037 стандартида рақамли далилларнинг яхлитлигини таъминлаш ва баҳолаш учун жуда муҳим бўлган хеш қийматларини қўллаш масалалари очиқ қолдирилган.

Рақамли далилларни баҳолаш тартиби ва принциплари турли юрисдикцияларда кескин фарқ қилади. Буюк Британия, Австралия ва АҚШ каби англо-саксон ҳуқуқ тизимига эга мамлакатларда бир қатор умумий тамойиллар мавжуд.

II. Соммер судлар рақамли далил мақбуллигини таъминлашда унинг ҳақиқийлиги, аниқлиги ва тўлиқлиги принципларга риоя этиши зарур, деб ҳисоблайди [5, 3-б.]. Мазкур принциплар моҳияти қуйидагилардан иборат:

– ҳақиқийлик – рақамли далил муайян ҳолат ва шахсга алоқадор ёки улар ҳақида саволларга жавоб бера оладиган шахс томонидан яратилган [11] бўлиши зарур. Агар томонлар далилларни ўзи талаб қилган нарса эканлигини кўрсата олмаса, суд уларни аҳамиятсиз деб ҳисоблайди;

– аниқлик – маълумотни тўплаш, таҳлил қилиш учун қўлланиладиган процедураларнинг оқилона, объектив ҳамда амалга оширилган ҳаракатлар моҳиятини тушунтира оладиган шахс томонидан ишлаб чиқилганлиги;

– тўлиқлик – рақамли далиллар муайян ҳолатлар ёки воқеликни тўлиқ тасвирлаб бериши керак.

Соммернинг принциплари процедуралардан кўра уларни амалга оширувчи шахсларга кўпроқ боғланган. Унинг рақамли далилларни баҳолаш мезонлари



халқаро ташкилотлар ёки энг яхши амалиёт тизимлари томонидан ишлаб чиқилган принциплар ва процедураларга мос келмайди. Жумладан, АҚШ ва бошқа давлатлар ўртасида кибер жиноятларга қарши кураш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашиш мақсадида “G8” йирик саноатлашган давлатлар гуруҳи ташкил этилган. Мазкур гуруҳ рақамли далилларга оид процедураларнинг 6 та принципини таклиф қилган [3, 673-б.]:

1) рақамли далиллар билан ишлашда барча криминалистик ва процессуал тамойиллар қўлланилиши керак;

2) рақамли далилларни олишда бажарилган ҳаракатлар натижаси ушбу далилларни ўзгартирмаслиги керак;

3) рақамли далиллардан фойдаланувчи шахс, ушбу мақсад учун ўқитилган бўлиши лозим;

4) рақамли далилларни олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ёки узатиш билан боғлиқ барча ишлар тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, сақланиши ва кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

5) рақамли далиллар ишониб топширилган субъект мазкур далилларга нисбатан бажарилган барча ҳаракатлар учун жавобгар ҳисобланади;

6) рақамли далилларни олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ёки узатиш учун масъул бўлган ҳар қандай агентлик ушбу принципларга риоя қилиши шарт [6, 18-б.].

Ушбу принциплар аксарият амалиёт тизимларида рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ҳамда уларни баҳолаш учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин [4, 227-б]. Аслида рақамли далилларни тўплаш, баҳолаш ва судга тақдим этиш тартиби ушбу соҳадаги энг асосий ва долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун унга оид кўплаб кўрсатмалар, йўриқномалар, халқаро стандартлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фарқли равишда, илғор хорижий амалиётларда рақамли далиллар билан ишлаш бўйича аниқ процедуралар ишлаб чиқилган. Масалан, АҚШ Миллий адлия институти (НИЖ) ўзининг “Электрон жиноятларни тергов қилиш: биринчи жавобгар шахслар учун қўлланма”сида қуйидаги тўрт босқичли жараённи таклиф этган [12]:

1. Тўплаш – электрон далилларни излаш, тўплаш ва ҳужжатлаштиришдан иборат.

2. Текшириш – экспертиза жараёни далилларни кўринадиган ҳолга келтиришга ёрдам беради, унинг келиб чиқиши ва аҳамиятини тушунтиради. Ушбу жараён бир нечта босқичдан иборат. Биринчидан, бунда далилларнинг жами ҳолати ва мазмуни ҳужжатлаштирилади. Дастлаб барча далиллар кўринадиган ҳолатга келтирилади, шундан сўнг улар ичидан иш учун аҳамиятли бўлганлари саралаб олинади.

3. Таҳлил – текширув объектларини иш учун аҳамиятга эгаллиги ва эҳтимолий қийматини кўриб чиқиш. Текшириш эксперт, мутахассис томонидан, таҳлил эса терговчи томонидан амалга оширилади.

4. Ҳисобот – маълумотларни қайта тиклаш ва текширув натижасида олинган далилларнинг тафсилотини бериш. Амалдаги тартибда олиш ва баҳолаш босқичлари мавжуд.

Кўплаб кўрсатмалар сингари юқоридаги босқичларда ҳам рақамли далилларни баҳолаш масалалари учун жуда муҳим бўлган қийматлаш жараёнлари алоҳида босқич сифатида кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги вақтда суд ишларининг аксарият қисми рақамли далиллар билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, рақамли далилларга ишлов бериш тизимини тартибга

солиш орқали процессуал тартибга оид жараёнларни амалга ошириш имконияти юзага келади [13]. Рақамли далилларни баҳолаш тергов ва суд жараёнларида ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ушбу жараёнлардан олдин, яъни рақамли ахборотларни далил сифатида олинган вақтдаёқ уларга қиймат бериш ва бунинг учун хеш математик функциясидан фойдаланиш лозим. Чунки ушбу амалиёт ривожланган давлатларнинг энг яхши амалиёт тизимлари ҳамда халқаро агентликларнинг тажрибаси асосида ишлаб чиқилган.

Хеш қиймати – ихтиёрий ўлчамдаги маълумотни маълум бир белгиланган ўлчамлар билан қийматлаш учун ишлатилади. Хеш функцияси билан қайтарилган қийматларга хеш қийматлари, хеш кодлари, қайта қийматлаш ёки оддийгина хеш деб аталади [14]. Қийматлар хеш жадвали деб номланган белгиланган ўлчамдаги жадвални индекслаш учун ишлатилади.

2-жадвал

(Рақамли далилларнинг қийматланиши (хеш))

Файл номи	Файл ҳажми	Конструкция	Хеш қийматлар
Баённома.docx	⇒ 59 637 bayt	MD5	⇒ 4a45dad160393f87d93317cb897cc63a
Баённома.docx	⇒ 59 538 bayt	MD5	⇒ 17SBPhXtH8AxszyEPPvFaazef6Cpup7Rg
Баённома.docx	⇒ 59 538 bayt	MD5	⇒ 17SBPhXtH8AxszyEPPvFaazef6Cpup7Rg

Хеш функциясининг MD5, Sha1, Sha3, Sha256, Sha512, xxHash64 ва Blake2B конструкциялари мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, рақамли далилларни баҳолашга қаратилган аниқ мезонларни амалга ошириш зарур. Шу билан бирга, рақамли далилларни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлашнинг аниқ тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ [15]. Ушбу соҳа юзасидан юқорида санаб ўтилган муаммоларга ечим сифатида қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз:

Рақамли далиллар яхлитлигини таъминлаш ва уларни баҳолашнинг шартли сифатида “хеш” қийматларини амалиётга ҳамда қонунчиликка киритиш лозим.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик асосида иш юритиш ёки муваффақиятли халқаро ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш учун рақамли далилларга нисбатан ЮСЕ ва ISO стандартларини жорий этиш лозим [16].

Далилларнинг яроқлилиги ҳам уларни баҳолашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун рақамли технологияларни текшириш ва ишда уларнинг далилий аҳамиятини тўғри изоҳлаш учун фақат аттестациядан ўтган рақамли криминалистик воситалар ва процедуралардан фойдаланиш лозим. Қонун чиқарувчи ушбу воситалар ва процедураларга қўйилган талабларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиши зарур [17].

Ҳуқуқий асослар етарли бўлмаган шароитда рақамли далиллар билан ишлаш масаласини қонуний ва адолатли ҳал этиш мумкин эмас. Сабаби рақамли далилларнинг тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнлари муайян тартиб ва мезонларга асосланмайди. Натижада илмий асосга эга бўлмаган турли амалиётлар

шаклланади. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятига бўлган ишончсизлик муҳитини юзага келтиради. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда тергов ва суд амалиётини замонавий тергов услубиётлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақамли далиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Simson L. Garfinkel and Basis Technology Corp. Forensic Toolkit (FTK). User Guide. – AccessData Legal and Company Information. November 8, 2019. p. 107
2. Chang-Tsun Li (ed.) (2013): Emerging Digital Forensics Applications for Crime Detection, Prevention, and Security, Idea Group Inc (IGI), p.240;
3. John R. Vacca. Computer Forensics: Computer Crime Scene Investigation, Vol.1, Cengage Learning, 2005 – p. 673
4. Xuejia Lai, Dawu Gu, Bo Jin, Yongquan Wang, Hui Li. Forensics in Telecommunications, Information and Multimedia: Third International ICST Conference, E-Forensics, Shanghai, China, Springer, 2010 – p. 227
5. Bradley Schatz. Digital Evidence: Representation & assurance, Information Security Institute, faculty of Information Technologies, Queensland University of Technologies, Austria, 2007 – p. 3
6. G8. the ENFSI Forensic IT Working Group. Guidelines For Best Practice In The Forensic Examination Of Digital Technology Ver.6 FIT-2005-001., 006. Madrid. – 2009. p. 18
7. Mark L. Krotoski (2011): Effectively Using Electronic Evidence Before and at Trial, Obtaining and Admitting Electronic Evidence, United States Department of Justice Executive Office for United States Attorneys Washington, DC 20530, Volume 59, Number 6, p.52
8. Scientific Working Group on Digital Evidence (SWGDE) Best Practices for Mobile Device Evidence Collection, Preservation, and Acquisition Version 1/0/ (July 30, 2018) Page 7 of 18/
9. <https://dfirmadness.com/case-001-memory-analysis/>
10. ISO. (2012) ISO/IEC 27037:2012 Information Technology — Security Techniques – Guidelines for Identification, Collection, Acquisition, and Preservation of Digital Evidence, International Organization for Standardization, Geneva.
11. Leah Voigt Romano. VI. Electronic Evidence and the Federal Rules, 38 Loy. L.A. L. Rev. 1745, Loyola Marymount University and Loyola Law School Digital Commons at Loyola Marymount University and Loyola Law School. 2005.
12. U.S. Department of Justice Office of Justice Programs: Electronic Crime Scene Investigation: A Guide for First Responders, Washington, USA, - 2001.
13. Каримов Бобуржон (2020). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ КАТЕГОРИИ ЦИФРОВЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 149-153. doi: 10.24412/2181-919X-2020-149-153
14. Khamidov Bakhtiyor Khamidovich et al. General Theoretical Issues of Improving Private Forensic Methods In The Field Of Combat Against Cybercrime. Psychology and

Education Journal, VOL. 58 NO. 1 (2021): VOLUME 58 NO. 1 (2021). DOI: <https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.1153>

15. Хамидов Бахтиёр (2020). ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЧАСТНЫХ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ МЕТОДОЛОГИЙ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬЮ. Review of law sciences, 2 (Спецвыпуск), 221-228. doi: 10.24412/2181-919X-2020-221-228

16. Ганиев Отабек (2020). ТРАСОЛОГИЯ КАК ОСНОВА САМОСТОЯТЕЛЬНОГО УЧЕНИЯ. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 142-148. doi: 10.24412/2181-919X-2020-142-148

17. Топилдиева Дилрабо (2020). КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УБИЙСТВА ПРИ ОБНАРУЖЕНИИ РАСЧЛЕНЕННОГО ТРУПА. Review of law sciences, 1 (Спецвыпуск), 197-204. doi: 10.24412/2181-919X-2020-1-197-204